

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Адабиётшунослик кафедраси

САФАРОВА ДИЁРАНИНГ

**5220100 – филология таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

**ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ ҲАЖВИЙ АСАРЛАРИДА
МАҲОРАТ МАСАЛАСИ**

мавзусидаги битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: **У.Ўлжабоев**
филология фанлари номзоди, доцент

Гулистон – 2017

РЕЖА:

КИРИШ

I БОБ. Ў.ҲОШИМОВНИНГ “ШУМЛИК” ТУРКУМИГА КИРГАН ҲИКОЯЛАРИДА ҲАЁТИЙ АСОС ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

1.1. Ў.Ҳошимовнинг ҳажвий ҳикояларида услуб

1.2. Ў.Ҳошимовнинг ҳажвий асарларида бадиийлик масаласи

II БОБ. Ў.ҲОШИМОВНИНГ САТИРИК АСАРЛАРИДА ОБРАЗЛИЛИК

2.1. Характерлар талқинида индивидуаллик

2.2. Персонажлар нутқини яратишда ёзувчи маҳорати масаласи

ХУЛОСА

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, насри ўзига хос тарзда ривожланиб, ўз шакли ва мазмунига эга бўлганлигидан ушбу даврни тўлақонли ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунга бу даврда яратилган кўп сонли эпик асарлар ва улар орасидабадийликжиҳатидан ўзига хос баҳога эга асарлар ҳам мавжудлигини асос сифатида келтириш мумкин. Жумладан,бу давр ҳикоянавислигининг миллий адабиётимиз шаклланишидаги ўрнини ҳисобга олиб, уларни ҳам бадий адабиёт намунаси қадрият сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мафкуравий яккаҳокимликдан қутилган ўзбек адабиётида эркин ижод қилиш, эркин фикр асосида мавжуд жараёнга муносабат билдириш кучайиб бормоқда. Шунингдек, ўтаётган даврда мафкуравий етукликка эришиш учун ҳам ёшлар онгида миллат қаҳрамонларига эътироф ва ҳурмат туйғуларини шакллантириш бугунги кун бадий адабиётининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Ҳикоячиликда ифода этиладиган теран фикр, инсон қалби кечинмалари тасвири, руҳият таҳлилининг ўзига хослиги, кечинма ва воқелик масалаларини теран идрок этаётган ва бу йўлда ўз йўналишларига эга бўлган ёзувчиларимиз қаторида Ў.Ҳошимовни ҳам санаб ўтиш жоиз. Ў.Ҳошимов ижоди, унинг эпик асарлари 50-80 йиллар ўзбек адабиётида ўзига хос ҳодисаларҳисобланади. Унинг, «Дунёнинг ишлари» қиссаси ва «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романлари ўз даври учун долзарб муаммоларни акс

эттирганлиги ва ўзига хос бадиияти билан бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Маълумки, ушбу маҳоратли адиб ҳақида шу кунгача кўплаб тадқиқотлар яратилган. Лекин Ўткир Ҳошимовнинг ҳажвий асарларида ёзувчи маҳорати юзасидан алоҳида, жиддий бир тадқиқот иши яратилмаганлиги ушбу БМИ нинг юзагакелишигасабаббўлди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбек адабиётшунослигидаҳар доимаҳамиятли ҳисобланган бадиий маҳорат ҳамда услуб масалалари борасида кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилгани маълум. Биз ўрганаётган ёзувчи Ўткир Ҳошимов ижодига, хусусан, насрий асарларига бир қатор адабиётшунос олимлар турлича муносабат билдиришган. Бу ҳақдаги илмий ва танқидий қарашлар А.Расуловнинг “Ардоқли адиб”¹, Асрор Самаднинг “Ўткир қалам”², У.Ўлжабоев “Замон талаби ва ижодкор масъуллиги”³, Озод Шарафиддиновнинг “Сардафтар саҳифалари”⁴ каби монографик тадқиқотларида ишнинг айрим қирралари ёритиб берилган ва мавзунинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишдан кўзда тутилган асосий мақсад Ўткир Ҳошимовнинг ҳажвий асарларида ёзувчи маҳорати ва индивидуаллигини масаласини

¹А.Расулов. Ардоқли адиб. – Т., Шарқ, 2001.- 128 б.

²Асрор Самад. Ўткир қалам. – Т., MERIYUS, 2013. - 364 б.

³У.Ўлжабоев. Замон талби ва ижодкор масъуллиги. - Т., Ўзбекистон, 2012.- 375 б.

⁴Озод Шарафиддинов. Сардафтар саҳифалари. – Т., Ёзувчи, 1999. 204-б.

ўрганиш, уларни таҳлил қилиш. Бу масала ечими қуйидаги вазифаларни амалга ошириш туфайли юзага чиқади:

- ҳажвий ҳикояларнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиш;
- ҳажвий ҳикояларда қаҳрамон индивидуаллигини аниқлаш;
- ҳажвий ҳикояда бадиият масаласи ва қаҳрамон нутқининг аҳамиятини текшириш;
- бош қаҳрамон талқинидаёзувчи маҳоратига аҳамият қаратиш;
- персонажлар талқинида ёзувчи услуби масаласини тадқиқ этиш;
- ҳикояларда илгари сурилган ижтимоий муаммолар ва уларнинг талқини масаласига эътибор қаратиш;
- асар бадииятини ёзувчи маҳорати билан ҳамоҳанглигига эътибор қилиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўтқир Ҳошимовнинг ҳажвиймавзудаги

ҳикоялари ўзбек прозасида ўзига хос характерлар сиймосини акс эттирганлиги билан аҳамиятли. Улар индивидуал услуб, поэтик маҳорат касб этган асарлар сифатида бугунги кун адабиётшунослигида эътироф этилган. Лекин ҳикоялар яратишда, айниқса, ҳажвий мавзудаги ҳикояларда асосий қаҳрамон образларининг роли қай даражада эканлиги, персонажлар талқинида ёзувчи маҳорати, уларнинг бадиийлик даражаси, ҳажвий ҳикояларнинг ўзига хос жиҳатлари,

ижтимоиймуаммоларталқиниҳали тадқиқ этилмаган. Шуҳолатдан келиб чиққан ҳолда муаллиф ва ҳикоячи қаҳрамон нутқидаги ўзига хос жиҳатлар, тасвир воситаларининг қайдаражада маҳорат билан қўлланилганилиги асар ютуғини таъминловчи омиллардан эканлигини тадқиқ этишуш бубитирув малакавий ишининг илмий янгилигини билдиради.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий иш XX аср ўзбек прозаси ривожланиши қонуниятларини тадқиқ этишда, ёзувчи Ўткир Ҳошимов ижодига алоқадор реферат ишлари, қўлланмалар, БМИ лар ёзишда фойдалиманба бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг манбаи. Битирув малакавий ишининг асосий манбаи бир қатор назарий манбалар, Ўткир Ҳошимовнинг «Шумлик» тўплами таркибидаги ҳажвий мавзудаги ҳикоялари ва адибнинг «Икки қарра икки – беш» қиссаси бўлди.

БМИнинг тузилиш тартиби. Битирув малакавий иши кириш, иккита асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. Ў.ҲОШИМОВНИНГ “ШУМЛИК” ТУРКУМИГА КИРГАН ҲИКОЯЛАРИДА ҲАЁТИЙ АСОС ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

1.1. Ў.Ҳошимовнинг ҳажвий ҳикояларида услуб

“Шундай асар ёзсангки, китобхон уни ўқиганида ҳамма нарсани унутса. Асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Қувонса, изтироб чекса...

Китобни ўқиб бўлган куни кечаси билан ухлолмай, тўлганиб чиқса... Вақти келиб, ўша китобни яна қўлига олганида қайтадан ҳаяжонга тушса... Ундан янги маънолар топса... Орзум - шу...”¹

Ўткир Ҳошимов ўзи орзулаганидек ёзувчи эди. Чунки адибнинг китоблари кирмаган хонадон, унинг асарларини ўқимаган китобхонни юртимизда топиш мушкул. Шунинг учун Ўткир Ҳошимов ижодини ўрганиш, унинг янгича қирраларини кашф этиш масалалари яна кўп тадқиқотлар учун асос бўлиб келаверади.

Ўткир Ҳошимов ижодини ҳикоянавислик, қиссанавислик ва романнавислик каби турларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Адибнинг ҳикоянавислик маҳорати ҳақида атрофлича яратилган тадқиқот ишлари ҳали кам. Айрим ишлар таркибидагина қисман қилинган тадқиқотларга дуч келиш мумкин.

¹Ўткир Ҳошимов. Танланган асарлар. –Т., Шарқ, 2009. 2-6.

“Ўткир Ҳошимов ранг-баранг жанрларда ижод этиб келаётган ёзувчидир. Унинг “Икки карра икки беш”, “Шумлик”, “Осмондан тушган пул”, “Сўққабош бевагина” сингари тўпламларига кирган воқеий ва бадий ҳажвиялар бугунги ҳажвий адабиётимизнинг гўзал ва сара намуналаридир”¹.

Адибнинг ҳажвий мавзудаги ҳикояларининг атрофлича талқини ҳам ҳали яратилмаган. Ушбу битирув малакавий ишимиз шу боисдан ҳам ана шу мавзунини тадқиқ этишга қаратилган.

Ўткир Ҳошимовнинг 1993 йил “Ёзувчи” нашриётида чоп этилган “Шумлик” номли ҳикоялар тўплами таркибидаги ҳажвий ҳикояларни ўқимаган мухлислари бўлмаса керак. Бу тўпламдаги “Шпана”, “Бемор пиёз”, “Тахаллус”, “Памилдори операцияси”, “Битта кулдилинг”, “Йўли топилди”, “Гуруч операцияси”, “Яқин келма” каби кўплаб ҳикояларида адибнинг ўзи бевосита гувоҳи бўлган ҳикоялар акс эттирилган. Кейинчалик ушбу ҳикоялар адибнинг 2008 йил “Шарқ” нашриёти чоп этилган “Сўққабош бевагина” ҳажвий ҳикоялар тўплами таркибига ҳам киритилди. Фақат ушбу нашрда ҳикоялар миқдор жиҳатдан кўпроқ, демак, янгилари билан ҳам тўлдирилган эди. Бу тўплам таркибида “Ғаройиб саёҳат”, “Сўққабош бевагина”, “Юбилей”, “Домланинг айтганини қил”, “Жазо”, “Оқшом хангомалари” каби янги ҳажвиялар ҳам ўрин олган.

Ўткир Ҳошимовнинг “Инсон ҳақида ёзишга, халқимизнинг содда-донишмандлиги, сабр-қаноатини тасвирлашга уриндим”,

¹Б.Назаров. Халқ меҳрини қозонган адиб. / Ўткир Ҳошимов замондошлари наздида. –Т., Мумтоз сўз. 2011. 116-б.

деган фикрлари адибнинг ҳажвий ҳикоялари қаҳрамонларига ҳам тегишли. Чунки улар таниқли кишилар – халқимизнинг севимли адиблари, машҳур инсонлардир.

Адибнинг “Шпана” номли ҳикояси “Кулиш нималигини билмаган одам – бахтсиз одам”, деган сўзлар билан бошланади. Кўпчилик Ў.Ҳошимовни юқорида айтиб ўтилган жиддий мавзудаги романлари ва қиссалари орқали таниганлигидан унинг ҳажвий асарлари борлигин билмасликлари ҳам мумкин. Адиб ўзининг ҳажвий ҳикоялари билан “кулишни ва кулдиришни билишини” исботлаб берган. Чунки ҳажвияларни ўқиган китобхоннинг юзида табассум пайдо бўлиши табиий.

“Ўткир Ҳошимов асарларини жозибадор қилган, уларга ўзига хос бадиий тароват бахш этган икки муҳим хусусият бор. Буларнинг бири шуки, у бадиий асарни жўн тарғибот қуролига айлантирмайди, шу куннинг долзарб масалалари ҳақида бадиийлашган шиорлар ва хитоблар айтиш йўлидан бормайди, балки асарларининг кўпчилигида бирон муҳим умумбашарий муаммони ўртага ташлашга интилади. Унинг асарларида унутилиб кетган ёки унутилаёзган инсоний қадриятлар етакчи ўрин тутди. Муаллиф кўпинча кун тартибига инсон ҳаётининг ўзак масалаларини қўйиб, ҳар бир фикрловчи одамни ташвишга солмай қўймайдиган “лаънати саволлар”га жавоб излайди. Иккинчидан эса, шу муаммоларнинг ҳаммаси, энг муракаб саволларга жавоб излаш кишини ҳаяжонга солувчи бадиий шаклларда амалга оширилади”¹.

¹Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиётитарихи. –Т., Ўқитувчи. 1999. 485-бет.

Адибнинг ҳажвий ҳикояларида ҳам ҳаётнинг долзарб муаммолари ёки инсоний муносабатлардаги муҳим жиҳатлар қаламга олинади. Хусусан, меҳр-оқибат, инсонийлик кабилар шулар жумласидан.

“Шумлик” тўпламидаги ҳажвиялар “Беҳи” номли ҳикоядан бошланади. Ҳажвий ҳикояларнинг асосий ҳикоячиси адибнинг ўзи. Бу ҳикояда ҳам шундай. Етакчи қаҳрамон эса устоз адиб Саид Аҳмад. Воқеалар Саид Аҳмаднинг муаллифга телефон қилиб ош қилаётганини, уни бир ўзи ея олмаслигини, тез етиб келишларини тайинлаши билан бошланади.

Шу йўналишдаги ҳар бир ҳажвий ҳикояда бўлгани каби бу ҳикоянинг таркибида ҳам “шумлик” яширинган. Бу сафар муаллифнинг ўзининг шумлиги акс эттирилган. Бу қаҳрамоннинг нутқи орқали баён қилинади. У дачада беҳи пишганлигини билиб, ундан ўзига озми-кўпми ўзлаштириш пайида бўлади. Ҳикоячи қаҳрамон қоронғи бўлиб бораётганлигини, уйдагилар хавотирланишини айтади. Шунда Саид Аҳмад:

- Ана телефон! Қўнғироқ қил. Меникида ўтирганингни айт. Ош бўляпти, де.
- Тўғри-ку, - дедим “маъюс тортиб”. – Уйдагилар сизнинг дачангизда ўтирганимизга ишонади. Ош бўлаётганигаям ишонади. Аммо устоз ошига беҳи солибдилар, дачадаги беҳи “бошини еб” мева қипти, десам, барибир ишонмайди-да!¹

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 3-б.

Бу сўзлардан қаҳрамон уйига дачадаги беҳилардан олиб кетмоқчилигини англаш қийин эмас. Устознинг “одати”ни билган шогирд беҳи узишга ёрдамлашгани боғга бирга чиқади. У ҳам узмоқчи бўлади.

- “Йўқ-йўқ, сен уринма! Менинг қўлим чанг бўлишга бўлди. Қара, кўйлагинг ҳам оппоққина экан.
- Сизнинг табаррук қўлингиз чанг бўлгунча менинг кўйлагим йиртилиб, дабдала бўлиб кетгани яхшимасми! – дедиму энг сархил беҳиларни узиб халтага солавердим¹”.

Ҳикоя ниҳоясида сархил мевалардан айрилаётган устоз катта арра олиб чиқиб шогирдига уни арралаб ташлашса ҳар иккаласи ҳам ундан қутулишини айтиши орқали устоздаги “қизғаниш” ҳолатини намоён қилган.

Устоз Саид Аҳмад билан боғлиқ ҳажвиялардан бири “Йўли топилди” деб номланади. Унда таниқли шоир Эркин Воҳидов ўзи тўплаган пулига нима сотиб олишини устозидан маслаҳат тарзида сўраганида у автобус сотиб олишини, унинг ичи уй, кондуктори хотин бўлишини айтиб барчани кулдиради.

Яна бир ҳажвия “Яқин келма!” деб номланади. Унда Избоскандаги учрашувдан кейин меҳмонхонага жойлашган ёзувчилар ярим кечаси Андижонга кетишмоқчи бўлишади. Саид Аҳмад машина топишни ўз зиммасига олади. Улар кўчага чиққанларида Носир Фозилов тартибсизликларни ёқтирмаганлиги учун роса тажанг бўлиб олади. Муаллиф у ҳақида кичик изох бериб

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 4-б.

ўтади – Носир аканинг сочи ҳам, ўзи ҳам сариқ. Тез жаҳли чиқади. Аммо ниҳоятда ростгўй, дангалчи одам.

- “Қўй, сариқ болам, хуноб бўлма, ҳозир йўлини қиламиз, - деди Саид Аҳмад ака юпатиб”¹.

Улар “Тез ёрдам” машинасини тўхтатиб, чиқиб олишади. Машина эгаси ГАИлар ушласа, правасини олиб қўйишини айтади. Айтганидек, йўлдан ГАИ чиқади.

- “Сен жим ўтир, мелиса билан ўзим гаплашаман, - Саид Аҳмад ака машина ёнига келаётган ёшгина лейтенант йигитга пешвоз чиқди. Йигит ҳали гап бошламасидан олдинроқ тўхтатди. – Яқин келма, жон укам, сенга ачинганимдан айтяпман, яқин келма. Бола-чақанг бордир. Бир укам сариқ бўлиб қолди. Ишонмасанг ўзинг қараб кўр.

Лейтенант иккиланиброқ машина кажавасининг эшигини очди. Хира чироқ остида, кушеткада хўмрайиб ўтирган сап-сариқ Носир акани кўрдию, дарров орқага чекинди.

- Вой-бў, жудаям ўтиб кетганга ўхшайди, тезроқ оборинглар!”²

Устоз Саид Аҳмад аканинг шумлиги, топқирлиги туфайли улар ўз йўлларини давом эттирадилар.

Саид Аҳмад билан боғлиқ ҳажвиялардан яна бири “Пулим бўлса – буюрмасин!” деб номланади. Унда бу инсоннинг ҳамиша пули бор бўлиши, кимга пул керак бўлса у кишидан сўраши ҳақида

¹. Ўша китоб.17-б.

²Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 18-б.

сўз боради. Шунинг учун ҳам ҳажвия “Саид Аҳмад акада пул кўп” деб бошланади.

Муаллиф Қўқонга борганларида устозидан беш-олти юз сўм қарз сўраганида у “эллик сўмдан ортиқ пулим бўлса буюрмасин!” деб юборади. Муаллиф камида беш минг сўм пул билан келганидан хабардор бўлганларидан уни бояги қасамига алоҳида аҳамият беришади. Кечаси ётганларида устоз ечиб қўйган шимини яна қайтадан кийиб ётади. Эти увушаётганини баҳона қилади. Эртасига китобхонлар билан учрашувда энди шу ҳолатни айтиб бераётган муаллифни тўхтатиб Саид Аҳмад ўзи ҳикоя қилади:

- “Шошма, сен эплаб айтолмайсан, - деди. — Яхшиси, ўзим гапириб бераман. Бу ярамаслар сафарга чиқса пул олиб юрмайди. Доим мендан сўрайди. Нима, мен етимхонанинг директориманми? Кеча бергим келмади. Билмасдан онт ичиб қўйибман. Бу шум кечаси чўнтагимни қоқлаб қўйишдан ҳам тоймайди. Шунинг учун шимимни кийиб пулли чўнтагимга қўлимни тикиб ўша ёнбошимни ерга босиб ётдим. Эрталаб туриб бир акса урган эдим, оғзимдан жиринг этиб битта сўлкавой отилиб тушди. Ҳар эҳтимолга қарши бир сўмлик танга пулни оғзимга солиб ётган эканман. Эсимдан чиқиб кетибди. Яхшиям акса урганим, худо кўрсатмасин, ҳикичоқ тутса борми, лик этиб ичимга кетиб қоларди. Ана унда кўрардинг томошани!”¹

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 20-б.

Бунда Саид Аҳмад нутқи орқали вульгаризм ва диалектизм (“сўлкавой”, “қоқлаб қўйиши”, “пулли” кабилар) сингари лексик ресурслар қўлланилганилигини кўриш мумкин. Бу унсурлар ҳажвияларда қаҳрамонни индивидуаллаштириш учун хизмат қилган. Ҳикоядаги вульгаризм, яъни дағал сўз (ярамас) қўполликни эмас, беозорлик ва ўзаро яқинликни ифодалашга хизмат қилган.

Яна бир ҳажвия “Гуруч” операцияси” деб номланади. Унда Саид Аҳмад ва муаллифнинг Қўқон бозоридан девзира гуруч харид қилишлари ва поездда қайтиб келишаётганларида Саид Аҳмад ярим кечаси муаллифнинг қопидаги гуручларни ҳовучлаб олиб ўзининг қопига солиб ётганини кўриб қолади. Унинг “Ҳорманг, устоз?” деган саволига “Ухлайвер, болам, чарчагансан” деб жавоб беради. Ўзининг хаёли “кирарли-чиқарли” бўлиб қолганини, ярим кечаси нима қилаётганини ўзи ҳам билмай қолшини айтади.

“Ҳайрон бўлдим.

- Эсингиз кирарли-чиқарли бўлса, нега ўзингизнинг гуручни менинг қопимга солмайсиз-да, меникини ўзингизнинг қопингизга соласиз?

Саид Аҳмад ака хотиржам қараб қўйди.

- Унда сапсем жинни бўламан-да, болам!”¹

Бу ҳикояда ҳам қаҳрамон нутқида лексик ресурс, хусусан, варваризм қўлланилган. “Сапсем” сўзи бутунлай сўзининг русчадан бузиб ишлатилганлиги маълум. Бу ҳам қаҳрамон нутқининг ўзига хослигини таъминлайди.

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 26-б.

“Шумлик”даги ҳикояларнинг айримларида машҳур адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов етакчи қаҳрамон сифатида тасвирланган. Хусусан, “Памилдори” операцияси” ҳикояси шулардан бири. Унда муаллиф ўғлини уйлантираётган куни О.Шарафиддинов дачадан икки пақир памидор олиб келиб, Ў.Ҳошимовга “О.Шарафиддинов тўйимизни жамики сабзаёт маҳсулотлари билан тўла таъминлади”, деган мазмундаги тилхатга қўл қўйдириб олиши билан “шумлик” бошланади.

Ҳажвия давомида эрталабки ош дастурхонига помидор ҳам қўйилади. Аввал пишитилган режага кўра аввал бир маҳалла оқсоқоли помидорни роса мактайди. Ундан кейин қариндошлардан бири бу помидорларни олхўрига ўхшатади. Эркин Воҳидов ҳам ундан ҳам майдароқ нарсага ўхшатади:

- “Ўткиржон! – деди гапни узокдан бошлаб. – Ёзда тўй қилишнинг шуниси яхши-да. Қовун-тарвуз мўл, мева-чева кўп... Манови олчанинг чиройли пишганини қаранг, деб, тўрттагинасини кафтимга олиб еб кўрсам, данаги йўқ! Қарасам, памилдори экан! Қаёқдан топдингиз бунақасини?

Зимдан қарасам, Озод аканинг қовоғи тушиб кетяпти.

Саид Аҳмад ака узокдан мени койиб келаверди.

- Сен болага қачон ақл киради-а? Янгилик яратаман деб, ҳар балони ўйлаб топаверасанми? Ош дастурхонига итузум қўйиш қаёқдан чикди! Қаёққа қараса талинка-талинка итузум!

Озод ака бунисига чидай олмади.

- Чўрт побери! – деди кўл силтаб. – Мен тўйга памилдори эмас, тариқ обкелганман! Бўлдимми? Қутулдимми энди?!¹

Бу ҳажвияда ҳам қаҳрамон нутқини индивидуаллаштиришда лексик ресурсларнинг айримларидан фойдаланилган. Эркин Воҳидов нутқида “манови”, “памилдори” каби, Саид Аҳмад нутқидаги “ақл кириши”, “ҳар бало”, “талинка” каби диалектизмлар, О.Шарафиддинов нутқидаги “чўрт побери” вульгаризми уларнинг ўша воқеликдаги ҳолатига мос равишда танланган ва айнан мана шу сўз ва иборалар ҳикоядаги ҳажвийликнинг бўртиб кўринишига сабаб бўлган.

Демак, Ў.Ҳошимовнинг юмористик ҳикояларида қаҳрамонларни индивидуаллаштиришда лексик ресурслардан фойдаланиш ёзувчининг ўзига хос услуби дейиш мумкин. Шунингдек, ҳикояда муаллиф нутқидаги сарказм ҳам унинг услубидаги ўзига хос жиҳат дейиш мумкин.

1.2. Ў.Ҳошимовнинг ҳажвий асарларида бадийлик масаласи

“Ижодкор бадиият оламини теран англаса, машҳур санъаткорларнинг асарларини ўқиган бўлса, инсон руҳи, табиатидаги янгиликларни ва уларнинг қай даражада акс эттирилганини яхши тушунади. Шу маънодаги, бадийлик – инсон руҳидаги янгиликни чуқур ҳис этиш, уни мангу безавол қилиб

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 8-б.

тасвирлашдир”¹. Бадийлик янгиликни такрорланмас қилиб яратиш экан, Ў.Ҳошимов ҳар бир асарини худди шундай охорли қилиб ярата олган. Кўплаб қаҳрамонларнинг ҳолатларини маҳорат билан, ҳажв асосида тасвирлай олган.

“Шумлик” тўпламдаги айрим ҳикояларда етакчи қаҳрамон вазифасида Эркин Воҳидов кўзга ташланади. Масалан, “Бемор пиёз” ҳикояси шулар жумласидан.

Унда Саид Аҳмаднинг дачасига “чўнғаранинг гуручию, зайтун ёғидан қилинган ошни ейиш учун” кўпчилик адиблар бориб туриши, сабаби, устоз адиб ошни бир ўзи емасдан кўнгли яқин ёзувчиларни ҳам чақириб олиши барчага маълумлигидан бошланган.

“Ошхўрлар жудаям ноинсоф эмас. Ошга ҳар ким баҳоли қудрат “ҳисса” кўшади. Биров тўрттагина сабзи, биров Ёзувчилар боғининг ошхонасидан олиб чиқилган бир кафтгина туз, биров бир кути гугурт дегандек...

Қолган “арзимас” харажатлар Саид Аҳмад акадан”². Бундаги “арзимас” сўзида бадий кўчимлардан бири бўлган киноя қўлланилган. Бу ўша сўзга алоҳида урғу берилишига ҳам хизмат қилган. Чунки бу сўз аслида тескари маънонинг ифодалаш учун хизмат қилган.

Кунларнинг бирида муаллифга Эркин Воҳидов телефон қилиб, “оқсоқолнинг дачасига бориб пиёздан хабар олиб келишларини”

¹А.Расулов. Бадийлик – безавол янгилик. –Т., Шарқ, 2007.116-б.

²Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 6-б.

таклиф қилади. Муаллиф қанақа пиёзлигини сўраганида Эркин Воҳидов устознинг дачасига бир эмас, нақ олтига пиёз олиб борганлигини, пиёз бўлганда ҳам унақа-бунақа эмас, Олтиариқнинг пиёзидан олиб борганлигини мақтаниб айтади.

Лекин бу уларнинг тўртинчими-бешинчими хабар олиши бўлганидан Саид Аҳмад ҳам бунга “шумлик” билан жавоб қайтаради. Эркин Воҳидовга устоздан чиройли лента билан ўралган кутида қат-қат қоғоз орасида битта пиёз келади, ёнида хати ҳам бўлади. Хатда бу пиёз эгасини соғиниб, ичикиб қолганлиги, яхшилаб қаратса, албатта тузалиши, келаси ҳафта устоз ўттиз-қирқ киши бўлиб, пиёзни кўргани бормоқчи бўлиб турганларин ёзган бўлади.

Муаллифнинг энди нима чора кўриши ҳақидаги Э.Воҳидовга берган саволига:

- “Ҳозир оқсоқолга кўнғироққилмоқчи бўлиб турувдим. “Пиёзнинг дарди оғир экан, шўрлик ўлиб қолди”, деб қўя қоламан.
- Эсингиз жойидами? — дедим капалагим учиб. — Оқсоқол пиёзингнинг таъзиясига келдик деб, юз кишини бошлаб келса нима қиласиз?
- Буёғи ҳам бор, -деди Эркин ака ўйланиб. — Майли бир йўлини қиларман”¹.

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. — Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 7-б.

Ҳикоянинг ечим қисмида Эркин Воҳидовдан устозига борган мактубда пиёзи тезда тузалиб, Олтиариққа бошқа бир пиёз билан қочиб кетганлиги ҳақида ёзилади.

Бу ҳажвияда муаллиф тасвир воситаси бўлган жонлантиришдан фойдаланган. Яъни пиёз қаҳрамонлар нутқида жонли мавжудотдай ёки худди инсондай тасвирланади. Шу туфайли у билан боғлиқ ўринларда инсонларга хос “касал бўлиш”, “таъзияси бўлиши”, “қочиб кетиши” каби жумлалар пиёз деталига нисбатан маҳорат билан қўлланилган. Бу ҳикоядаги ҳажвийликни юқоридаги жонлантириш бўрттириб кўрсатган.

“Хитойча усул” номли ҳажвияда ҳам Эркин Воҳидовнинг “шумлик” қилганлиги тасвирланган.

Унда тоққа меҳмондорчиликка борганларида тўкин дастурхонда турли ноз-неъматлар орасида бир пиёла асал ҳам қўйилганлиги ва уни ейиш учун қўлланган тадбир ҳақида сўз боради.

Ҳамма бугунги кунда асалнинг тозасини топиш мушкуллиги, буни аниқлашнинг ҳар хил усуллари борлиги ҳақида сўзлашади. Шунда Эркин Воҳидов бунинг хитойча усули мавжудлиги, унга кўра кимдир, яъни “синовчи”асални бир кўтаришда ютиб юбориши, агар ярим соатдан кейин оғиз-бурнидан варақ-варақ қон келиб ўлиб қолса, бундан чиқди, асал – тоза асал бўлиши ҳақида айтади. Бунга жавобан битта ҳам “номзод” топилмагач, шоирнинг ўзи “синовчи”ликка розилик бериши ҳақида ҳикоя қилинган.

- “Майли, деди Эркин ака мушкул муаммо қаршисида қолган одамдек ўйга чўмиб. – Дўстинг учун асал ют, деган гап бор...

Шундай деди-да, асални лўқ этиб ичиб қўяқолди.

- Худога шукр: асал унчалик зўр эмас экан. Эркин Воҳидов соғ-саломат юрибди”¹.

Ушбу ҳикояда халқ мақолини ўзгартириб ишлатиш орқали кулгу ҳосил қилинган, яъни “заҳар ют” ибораси ўрнига “асал ют”ни ишлатиш орқали, шунингдек, муаллиф нутқидаги “синовчи” ва “номзод” сўзларининг киноя шаклида қўлланилиши, асалнинг “лўқ этиб ютилиши” кабилар тасвирда юморни юзага келтирувчи омиллар вазифасини ўтаган.

“Шумлик” таркибидаги ҳикояларда таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов ҳам етакчи қаҳрамон сифатида тасвирланган ҳажвиялар мавжуд. Хусусан, “Юқумли касал” номли ҳикояда адабиётшунос олимнинг Москвага қилган сафарлари чоғида қилган домланинг соддалиги билан боғлиқ “шумлик”лар тасвирланган.

Унда Моквада яшайдиган мухлис йигитлар ош қилиб, уларни меҳмон қиладиган бўлишади. Ош келгандан кейин Умарали Норматов ўткир Ҳошимов билан шерик бўлади, қошиқ сўраганида Саид Аҳмад ўзбек ошни қўлда ейиши кераклигини айтиб жеркиб беради. Кейин ўзларининг тўртинчи шеригининг юқумли касалликка чалингани ҳақида сўзлашади. Ҳикоячи

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 22-б.

қахрамондан боягина у билан кўришиб турганини, шундан кейин кўлини ювган-ювмаганини сўрайди.

“Ювдим, ювдим, - дедим Умарали акага қараб.

Умарали ака секин ошдан кўлини тортди.

- Олинг, зўр ош бўпти, - дедим ундаб.
- Совунлаб ювдингми? – деди Саид Аҳмад ака.
- Ишқилиб, ювдим-да! Олинг, Умарали ака!
- Раҳмат! – Умарали ака кўлини артди. – Мен ҳозиргина буфетда сосиска егандим...

Келишиб қўйганимизга мувофиқ шу пайт тўртинчи шеригимиз ҳам кириб келди. Умарали ака ўрнидан туриб кетди.

- Ие, домла, ошдан емабсиз-ку, келинг битта ошатай, - деб энди ошга кўл чўзган эди, Умарали ака ура қочиб хонадан чиқиб кетди”¹.

Бунда кишилар характеридаги ўзига хосликлардан фойдаланиб кулгу пайдо қилиш усулидан фойдаланилган. Чунки Умарали Норматов Ў.Ҳошимовнинг ушбу йўналишдаги кўпчилик ҳикояларида жуда озодаликка, шахсий гигиенага қаттиқ амал қиладиган инсон сифатида тасвирланади. Ундаги ману шу кичик “қусур”дан ёзувчи унумли фойдаланади. Юқоридаги ҳажвияда ҳам ундаги мана шу одат ош ея олмаслигига сабаб бўлди.

Шумликлар қурбони бўлиб қоладиган домлалар ичида ТошДУнинг яна бир домласи Баҳодир Ғуломов ҳам бор бўлиб, ушбу инсон характериға хос соддалик кўпинча унинг кўп

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 28-б.

шумликларга алданишига, пировардида “жарима”га тушишига сабаб бўлган.

“Ўзбекнинг соддаси” номли туркум ҳажвиялар айнан мана шу домла етакчи қаҳрамон бўлган ҳажвиялардан иборат. Унинг биринчи ҳикоясида Баҳодир аканинг уйига меҳмон бўлиб борган О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, А.Расулов ва муаллиф уларнинг олдига қўйилган очик коньякни ичиб қўйишиб, ўрнига совуқ қора чой солиб қўйишади. Меҳмон меҳмонларнинг келишига сабаб бўлган узумни олиб келганида эса улар мазаси ғалатироқ коньяк қўйганликда домлани “айблайдилар”. Домла бунга жавобан:

- “Қайнимнинг шу одати ёмон-да! У киши сурат олишга қизиқадилар! – деди зарда билан. – Биламан, ўшандан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни! Коньякни ичган-да, ўрнига фото-дори қуйиб қўйган.
- Нима? Фото-дори?! – Озод ака ўрнидан туриб кетди. – Заҳар-ку бу! Ҳали бизни заҳарламоқчи бўлдингизми?
... Домла янги шиша очганида ҳам, қовурдоқ олиб келганда ҳам чехрамиз “ёришмади”.
- Яхшигина “қизишиб” олганимиздан кейин мавзу тагин “фото-дори”га келиб тақалди.
- Чўрт побери! – деди Озод ака. – Энди “Плиски”ни кўрсам кўнглим айнийдиган бўлди-да”¹.

Воқеалар ечими шу билан тугайдики, охири домла уларга чойхонада ош қилиб беради. Фақат бу гапни ҳеч қаерда ошкор

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 30-б.

қилмасликни улардан қаттиқ илтимос қилади. Лекин унинг қандай қилиб меҳмон уларни “заҳарламоқчи” бўлганини ўша ерда ўз номларидан берилган тилхатни ўқиш пайтида ҳамма йиғилганларга маълум қилишади.

Ушбу ҳикояда ҳам лексик ресурслар қаҳрамонларнинг характерларини кўрсатишда жуда ўринли қўлланилган. Яна киноя, варваризм ва вулгаризмдан фойдаланилган.

Туркумдаги яна бир ҳикояда Баҳодир Ғуломовнинг паспорти - “бошпурти”ни “ўғирлаб”, у кишини ҳужжат текширадиган милиционерга рўпара қилишади.

- “Марҳамат, сизнинг ҳужжатингиз!
- Ҳалигина бор эди, - деди Баҳодир ака аланглаб. – Мана булар гувоҳ, бошпуртим бор эди.
- ... Биз ҳам Баҳодир акани “танимадик”.

Домла кўп ялингандан кейин уни “кафилликка” оладиган бўлди. Эвазига битта зиёфат қилинадиган бўлди”¹.

Ушбу парчада ҳам яна паспорт сўзи сўзлашув услубига хос “бошпурт” тарзида қўлланилган. Киноя тасвирий воситаси ҳам ҳажвни юзага келтиришда асосий восита вазифасини ўтаган.

“Шумлик” туркумидаги ҳикоялар ичида ҳажм жиҳатдан салмоқли ва юморга бой ҳикоялардан яна бири “Тўяна” операцияси” деб номланади. Ушбу ҳикоя муаллифнинг ўзи “шумлик” қурбони бўлгани ҳақидаги ҳажвия.

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 36-б.

Унда Эркин Воҳидов қизини узатаётганида наҳорги ошга келган Ўткир Ҳошимов кадрдон дўстининг чўнтагига уч юз сўм тўяна солиб қўяди. Лекин кечкурунги базмга келганида унга эрталаб тўйга келмаганини айтиб дўсти хафа бўлгандай бўлади. Муаллиф пул ҳам берганлигини эслатмоқчи бўлиб, ўрик тагида кўришгандик, деган гапига қанақа ўрик дея елка қисиб ўтиб кетади.

Муаллиф не кўз билан кўрсаки, эрталаб уларнинг кўришганларига гувоҳ бўлган ўрик йўқ бўлади. Унинг ўзи ҳам эрталаб келганлигига гумон қила бошлайди. У билан гаплашиб турганларини эслатганида Саид Аҳмад

“Менда галава қоптими! Келган бўлсанг келгандирсан, келмаган бўлсанг келмагандирсан. – Саид Аҳмад ака дастурхонга ундади. – Ол, манови гўшт яхши пишибди”¹.

Кейинги воқеалар ривожига муаллиф устозидан икки юз сўм қарз олиб яна қоғозга ўраб, устига ёзиб Эркин Воҳидовга ҳамманинг олдида кучоқлаб кўришиб топширади. Кейин ташқарига чиқиб эрталабки ўрик ҳақиқатан ҳам йўқлигини кўриб, довдираб қайтади.

Унинг олдида эркин Воҳидов келиб берган тўянасини яна чўнтагига қайтариб солиб кетгандан сўнг у ўрикни сўрайди. Шу гапидан сўнг тўйхонада чунонам қаҳқаҳа кўтариладики, ҳамма улар томонга қарайди.

¹Ўткир Ҳошимов. Шумлик. – Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1993. 36-б.

“... Менинг ахволим хўп “томошабоп” бўлса керак, Неъмат ака “ху-ху”лайди, Абдулла нукул елкасини силкитади. Эркин ака ёшланиб кетган кўзини артади”¹.

Кейин маълум бўлишича, ўша қуриган ўрикни қариялар беҳосият бўлади, дея кестиришгандан кейин бу “тўяна” шумлиги ўйлаб топилган бўлади.

Ҳаммаси маълум бўлгач, Саид Аҳмад ўзи берган бояги пулини сўрайди. Муаллиф бу пулни бермоқчи эмас бўлади. Шунда устоз адиб:

- “Бермайсанми? Саид Аҳмад таҳдид билан ўрнидан турди. – Ҳозир анави боланинг қўлидан микрофонни оламан-да, бўлган ҳангомани бутун тўйхонага айтиб бераман”².

Бу ҳикояда юмори юзага келтирадиган унсурлардан киноя усулидан ташқари бадиий деталдан ҳам унумли фойдаланилган. Яъни ўрик дарахти ҳикоянинг етакчи предмет детали вазифасини бажарган. Ундан ташқари тўяна пул ҳам худди шундай вазифани бажарган. Ушбу ҳикояларнинг аксари ҳаётда юз берган, муаллифнинг ўзи бевосита қатнашган ҳикоялари бўлганлигидан уларнинг ҳар бири учун ҳаётий асос мавжуд. Яъни, ушбу ҳикояларнинг қатнашчилари ёки қаҳрамонлари ҳаммаси ёзувчига қадрдон тирик одамлар эканлиги бу фикрнинг далиллари дир. Ҳикоялар бадиияти ҳам юксак даражада тасвирланган.

¹Ўша китоб. 42-б.

²Ўша китоб. 44-б.

Юқоридаги “Ў.Ҳошимовнинг “Шумлик” туркумига кирган ҳикояларида ҳаётий асос ва бадиий талқин масаласи” мавзусидаги боб юзасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

- Ў.Ҳошимовнинг “Шумлик” ҳажвий ҳикоялар туркумида деярли ҳаётий асосга эга ҳикоялар мавжуд. Чунки уларнинг аксарининг етакчи қаҳрамонлари Ўткир Ҳошимовга замондош ва ўзига яқин бўлган ижодкор кишилардир. Хусусан, Саид Аҳмад, О.Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, У.Норматов кабилар шулар жумласидан.
- Ҳикояларда ҳажвни юзага келтирувчи воситалар сифатида бадиий детал, турли бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган.
- Ҳажвияларда юмор кўпроқ қаҳрамонларнинг нутқидаги лексик ресурслар орқали юзага чиққан.

Юқорида ҳам таъкидланганидек, ёзувчининг ҳажвий ҳикоялари атрофлича ўрганилмаган. Бу ҳақида академик Бахтиёр Назаров қуйидагича фикр билдирган:

“Афсуски, айрим мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда танқидчилигимиз ёзувчининг бу йўналишдаги ҳикоялари ҳақида чуқур ва атрофлича фикр юритишга ўтганича йўқ. Ҳолбуки, характерлар яратишдаги тиниқлик, тилдаги жозиба ва индивидуаллик, давр ва инсон табиатида намоён бўлувчи айрим хусусий қусурлар билан бир қаторда, баъзи бир жиддий ижтимоий иллатларнинг кескин ва ёрқин гавдалантирилиши ҳамда ҳаётбахш меҳрли кулги фазилатларга кўра Ўткир Ҳошимов ҳажвиялари

ҳозирги адабиётимизда муҳим ўрин тутади ва адабиётимизнинг ранг-баранг тароватини очиб бериш жиҳатидан улар жиддий ўрганилишга арзигуликдир”¹. Дарҳақиқат, ушбу мавзу жиддий ва атрофлича ўрганилиши зарурлиги бобдаги ҳажвияларнинг қисман амалга оширилган таҳлилидан ҳам маълум бўлди.

Умуман, ушбу ҳикояларда ёзувчи маҳорати қай даражада юксак эканлиги қисман очиб берилиши келажакдаги йирик тадқиқотларнинг муқаддимаси бўлди, деган умиддамиз.

¹Б.Назаров. Халқ меҳрини қозонган адиб. / Ўткир Ҳошимов замондошлари наздида. –Т., Мумтоз сўз. 2011. 117-б.

II БОБ. Ў.ҲОШИМОВНИНГ САТИРИК АСАРЛАРИДА ОБРАЗЛИЛИК

2.1. Характерлар талқинида индивидуаллик

“Характер – бадий адабиётнинг умумбашарий муаммоси. ...Бадий адабиёт жонли одамлар характери яратиши билан муҳим, зарурдир. Ҳар бир замон, миллат адабиёти инсонни қандай нуқтаи назаридан тасвирлаши билан бир-биридан фарқ қилади”¹.

Ўзбек адабиёти ҳам ўзига хос характерлар тизими билан ажралиб туради. Бу адабиётнинг забардаст вакили бўлган Ў.Ҳошимов ижодида ҳам характерларнинг такрорланмас намуналарини учратиш мумкин.

Ўткир Ҳошимовҳажвий асрларида, хусусан, “Икки карра икки – беш” қиссасининг қаҳрамонлари ўзига хос инсонлар бўлиб, уларнинг индивидуал жиҳатлари ўз замонаси қаҳрамонлари эканлигида кўринади. Яъни, улар ҳам оддий кундалик ҳаёт тарзи ва турмуши билан овора бўлган бирор соҳа вакиллари.

“Асар воқеаларининг марказида туриб, сюжетни ҳаракатга келтирадиган, ёзувчи ифодаламакчи бўлган асосий ғояни ўзида ташийдиган шахслар бош образ ёки бош қаҳрамон деб аталади”², деб ёзади адабиётшунос Т.Бобоев. Бу таъриф кўпроқ катта эпик асарлар бўлган қисса ва ҳикояларга нисбатан қўлланилади. Лекин ҳикояда ҳам асосий ғояни ўзида мужассам этган бош образ мавжуд бўлади. Ундаги бош қаҳрамон катта эпик асардаги каби атрофлича

¹А.Расулов. Бадийлик – безавол янгилик. –Т., Шарқ, 2007. 27-б.

²Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2002. 59-б..

талқин этилмаса-да, ёзувчининг ўринли ва аниқ тавсифи орқали китобхон кўз ўнгида гавдаланади.

Адабиётшуносликда шаклланган тамойилларга кўра қаҳрамонлар ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Лекин Ўткир Хошимов асарлари қаҳрамонлари ҳақида бундай кескин тавсифни айтиш қийин. Чунки улар ўз моҳияти, характер-хусусиятига кўра мураккаб ва айни чоғда содда инсонлардир.

Ёзувчининг ҳажвий қиссаларидан бўлган “Икки карра икки – беш” қиссаси ёшлар мавзусда бўлиб, унда асар қаҳрамонлари ўзларининг шижоатлари билан ажралиб турадилар.

Қиссанинг етакчи қаҳрамони Қўшоқвой Салимов бўлиб, қисса ҳажв билан ёзилган бўлса-да, унда ижтимоий ҳаётнинг қатор муаммолари акс эттирилган. Хусусан, тоталитар тузумнинг нобоп сиёсати тасвири асарда бир колхоз одамлари тақдири мисолида кўрсатиб берилган.

Асарда кечиктирилган экспозиция қўлланган. Чунки у тугун, яъни муаммонинг бошланиш нуқтасидан бошланган.

Бош қаҳрамон бўлган Қўшоқвойнинг касалхонада доктор билан суҳбатида тугун тасвирланган:

- “Э, дўхтуржон! Қийнаб нима қиласиз одамни! Айтяпман-ку, соппа-соғман! Раҳмат, яхши даволадинглар. Эсингиздами, баннисага келган кунларим, бир лунжим оқиб тушган нондек осилиб ётувди. Оғиз – ёмғирда қолган ўчоқ! Қўлим билан тўғрилайман, деб ҳарчанд уринаман, қани жойига келса, тагин қийшайиб қолади, хумпар! Кўзнинг

ҳам биттаси катта, биттаси кичкина эди! Мана, ҳаммаси бип-бинойи! Энди дўхтуржон, бизга жавоб берсангиз”¹...

Қиссанинг ҳикоячи қаҳрамони ҳам Қўшоқвойнинг ўзи бўлиб, унинг бошидан кечирганларини ўзтилидан докторга айтиб бериши шаклида ҳикоя қилинган. Қиссада юмористик тасвирлар кўплаб учраса ҳам аксар ҳолатларда сатирик руҳ устунлик қилади. Чунки Қўшоқвойнинг ҳар бир гапи замирида ўша даврнинг муаммолари акс эттирилган.

Экспозицияда Қўшоқвой ҳовлисидаги улкан ёнғоқ дарахтидан лой хандаққа йиқилиб тушади ва боши ёрилади, унда бир умрга чандик қолиб кетади.

Қўшоқвой образи ўзбек миллатининг содда, чапани, ғурурли вакили сифатида тасвирланган. У боши лат егани туфайли мактабга тўққиз ёшлигида боради. Ҳамма нарсага қўшиб гапириб ўрганиб қолади. Айниқса, рақамларга албатта қўшиб гапирди. Биринчи марта ўқишга борганида ҳатто дадасининг ҳам иккита деб юборгани учун онасидан калтак еб олади.

Мактабда у раиснинг ўғли бўлган Шодивой билан дўстлашади. Чунки Шодивой уни ёқтирибқолиб, у билан бир партада ўтирмоқчилигини айтади.

Қиссада ҳикоячи қаҳрамон нутқи киноя ва қочиримларга тўла. Бир ўринда Чияли бозори ҳақида шундай дейилади:

“... Балки сиз Чияли бозори ғиж-ғиж чайқовчига тўлиб кетган деб ўйларсиз? Бекорларнинг бештасини айтибсиз! Бозор куни

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 120-б.

ҳаммаёқни апталапка босиб кетади. Бир гал онам апталапкадан ялтироқ кўйлаклик олмоқчи бўлгану, пули етмаган”¹.

Бу парчада қўлланилган сўзлашув усулига хос сўзлар қаҳрамон нутқини индивидуаллаштирган. Ҳам бу ерда киноя усули сезилади. Чунки “апталапка”, яъни кўчма дўкони сотувчилари чайқовчилардан ҳам қиммат нархларда савдо қилади Ўша қаҳрамоннинг онаси учун олган “ялтироқ кўйлаклик” – кристал деган мато кўчма дўконида ҳар бир метри олтмиш-етмиш сўм сотилади. Аслида давлат нархи бир метрига ўн етти сўм деб белгиланган бўлади.

Қиссада ҳикоячи қаҳрамон нутқида бадиий тасвир воситалари ҳам қўлланилган. Хусусан, айрим ўринларда муболағадан фойдаланилган:

“... Тулпорим бўлса ҳар соатда ҳанграб туради. Кун бўйи. Бир минут ҳам кечикмай! Қўшни колхозда турадиган тоғам Тулпорингни “Москвич”га алмашасанми, деганида жон-поним чиқиб кетди. Эсимни ебманми, алмашиб? Эшак қаёқда-ю, аллақандай “Москвич” қаёқда!”²

Асарда бир муаллиманинг математикани яхши билмайдиган болаларнинг чорагига икки чиқараман ва Қўшавойга ўхшаганини мактабдан ҳайдатаман деганида директорнинг айтган гаплари ўша даврдаги пахта сиёсатининг асосий мазмунини англатади.

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 135-б.

²Ўша китоб. 136-б.

- “Бас! – директорнинг овози ўқдек қарсиллаб кетди. – Билиб қўйинг, ўртоқ Икромов! Бу – сизнинг Тошкентингиз эмас! Бизга оқбилак интелегентлармас, дала заҳматкашлари керак! Беш йиллик қаҳрамонлари! Пахтакорлар!”¹

Яъни, уларга сифатли ва билимли кадрлар эмас, оддий, чаласавод деҳқонлар кераклиги айтилмоқда.

Кейинроқ пилла боқиш машаққатлари ҳақида ҳам сўз боради. Одамларнинг пилла учун ўз уйларини бўшатиб бериб, ўзлари ҳовлига чиқиб ётишлари, унга тут барги етказиб бериш амри маҳол эканлиги, чунки тутзорлар пахта майдонларининг кенгайиши эвазига қисқариб кетгани, шунинг учун ҳам тут топиш учун одамлар ҳовлиларни ҳам кўриб, текшириб чиқишлари тасвирланади. Асар қаҳрамони Қўшавой ҳам ўртоғи – раиснинг ўғли Шодивойларнинг уйидаги тутларни кесиб олиб кетмоқчи бўлиб бошига бало орттириб олади. Тутларни кесиб олишга олиб, йўлда эшаги тиканзорга бир эшакни қувиб кириб кетганида у бор тутбарглардан ҳам айрилиши, ўзининг ҳамма ёғи тикан бўлишининг устига дўстининг гаплари унга таъсир кўрсатади:

- “Дадам тумандаги катталарни тутхўрликка айтиб қўйган экан, - деди Шодивой минғирлаб. – “Жўранг ақалли биттаям шохини қолдирмабди, қўлимга тушса бутини йиртиб ташлайман”, деяпти, отамнинг кўзига кўринмай тур, Қўшо...”²

¹Ўша китоб. 133-б.

²Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 146-б.

Ана шундан кейин у қўшнилари Ойсара янгасиникига сабзи олиб чиқади. Шу ерда раис бувани учратиб қолади. Лекин раис айб устида қўлга тушгани учун унинг “тутхўр”лигини эсласа ҳам, уни ўзи айтгандек қилиб жазоламайди. Унга “пат-пат” – мотоцикл олиб беришга ваъда беради. Шу ернинг ўзида уни албатта одам қилишга ҳам сўз беради.

Мана шу ўринда раис образининг қанчалар разил, иккиюзламачи, тубан шахс эканлиги намоён бўлади. У бир ҳалол кишининг хотинини йўлдан уриб, у билан кўнгилхушлик қилиб юради. Бу унинг маънавий тубан киши эканлигини кўрсатади.

Қиссада «Ферма тоға» образи ҳам мавжуд бўлиб, ёзувчи ушбу образ нуткида кипчоқ диалектини қўллайди.

- “Оббо, полвон-ей! – “Ферма тоға” Шодивойнинг елкасига қокди. – Шўхлик қибжатибман, денг! Аммо сийирларни кўрқитиб жубординғиз-да, полвон!”¹

Шу ферма мудир ва раис диалогидан эса ўз даврининг муаммоси бўлган қўшиб ёзиш, ракамларни бўртириб кўрсатишга интилиш, “машъал”ликка ўчлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар кўрсатиб берилади:

- “Мусайип! Бу – қўзилатишни қанақа деб ёзувдинг?
- Жуз совлиқдан жуз жетмиш жетти.
- Жетмиш-петмиш демасдан икки юз қилиб қўя қолсанг ўласанми?
- Ўзи тувғани жуз ўнта, Раис бова!

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 157-б.

- Нима? – Раис буванинг овози жаранглаб кетди. – Виставкага боришни биласан. Медаль олиб, мажлисларнинг тўрида ўтиришни биласан. Бу ёғиниям тўғрилаб қўй-да. Туғмаса туғдир! Етмаса, ўзингникини қўш!
- Маъқул, Раис бова, тувдирабиз”¹.

Қиссанинг воқеалар ривожига ферма мудирининг пичан ғарамига яшириб қўйган оппоқ “Волга” машинаси унинг ичига Шодивой ва Қўшавой киргизиб юборган “Запарожец” машинасининг ўрнига чиқиб келади. Ферма мудирини ич-ичидан зил кетса ҳам ўша сири ошкор бўлгани учун “Волга”ни раисга совға қилиб юборади.

- “Запарож”ингиз бўвоз экан, “Волга” тувиб берди, Раис бова. Қутти бўлсин!
- Бултур “Москвич” олиб берувдим-ку, битта машина камлик қилдими, нокас! – деди қўлини пахса қилиб.
- ... Сиздики, - деди яна. – Қутти бўлсин.
- Э, ўл-а! – Раис бува негадир ҳиқиллаб кулиб юборди. – мошин сигирмиди, туғадиган?
- Тувади! – “Ферма тоға”нинг мўйлови учиб қўйди. Фақат бу сафар хомушроқ, маъюсроқ учди. – Тувмаса тувдирабиз”².

Бунда ўша пайти жамоа хўжаликлари муҳотида авж олган порахўрлик, лаганбардорлик, кўзбўямачилик иллатлари ҳам кулгили ҳолатлар орқали кўрсатиб берилганлигини кўриш мумкин.

¹Ўша китоб. 159-б.

²Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 163-б.

Раис ҳам унинг сирдан хабардор кишиларнинг “оғзини ёпиш” учун совға-саломлар қилиб туради. Бир сафар Қўшавойларнинг қўшниси Ойсара опага камида уч юз сўм турадиган атлас мато олиб берса, бу сирдан хабардор бўлган Қўшоқвойга “пат-пат” – мотоцикл олиб беришдан ташқари уни институтга жойлаб қўйишни ваъда беради. Бундай ваъдани Раис болаларни давлат имтиҳонидан олиб чиқиб кетиб пахта чопиғига қўймоқчи бўлганида яна бир марта эслатади. Бу ҳам давр муаммоси бўлиб, унда мактабнинг Ислом ака деган физика фани ўқитувчиси болаларнинг чаласавод бўлмасликларини хоҳлайди, лекин аввал бригадир, кейин Раис унинг олаётган давлат имтиҳонини бузишади:

- “Қўйинг энди, - деди илжайиб. – эшитдик, обл ОНОдан комиссия келмайдиган бўпти. Йигитларимиз маладес! Йўлини топиб кетади. Кўриб турасиз, институтларни каттасига киради булар!”¹

Шу ўринда раиснинг маънавий қиёфаси яна бир марта кўрсатилади. У ўзидан ёши катта бўлган ўқитувчини сансираб ҳақорат қилади ва болаларни олиб чиқиб кетади. Қиссанинг шу жойида муаллиф бундай жиддий ҳолатни кулгу билан юмшатади, яъни Қўшавойнинг Тулпор эшаги йўлда кўндаланг туриб олгани учун раис уни ҳайдаганида у раисни ҳидлаб, ялаб кўради. Раиснинг гаши келиб

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 176-б.

уни тепганида у ҳам раисни ўхшатиб тепиб қочиб кетиши китобхонда юмористик кайфият ҳосил қилади.

Қиссанинг “Биз талаба бўламиз” деб номланган тўққизинчи бобида энди асар қаҳрамонлари ўспирин йигитлар сифатида тасвирланади. Хусусан, ҳар иккала йигитга ҳам ҳикоячи қаҳрамон тилидан портрет тасвир юмористик усулда берилади:

“Осмон-фалакда учиб кетяпмиз! “ЯК-40”да! Ёнимда Шодивой ўтирибди. Оғзи қулоғида! Устара тегмаган мўйлови қийматахтадан ўтказса, бир қозон чучварага бемалол етадиган дўрдоқ лабини янаям қалин қилиб юборгандек. Юзига ҳуснбузар тошиб, афти-устига унда-мунда тош тўкилган асфальт кўчанинг ўзи бўлиб қолган. Тиғ тегмаган мўйлов билан ҳуснбузар масаласида ўзимиз ҳам жўрамиздан қолишмаймиз. Шодининг юзи-ку сийрак тош сачраган асфальт. Бизники-чи? Нақ тош йўлнинг ўзгинаси!”¹

Ушбу бобда меҳмонхона ходимаси образи орқали оддий одамлар билан паст назарда, раис сингари пул билан барча ишини ҳал қиладиган кимсалар билан бошқача – мулойим муомала қиладиган аёл образи яратилган. Унинг нутқида қўлланилган варваризм ва вульгаризмлар ушбу қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини ҳам кўрсата олган.

- “Гуличка! – хотин сирли жилмайди. – “Жи-жи” билан “Адидас”ни тўғрилаб берсанг, - деди овозини пасайтириб, - битта “Лама” биздан! – У хандон отиб кулди. Аммо ўша

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 178-б.

заҳоти жиддий тортди. – А? Губа-не дура! Ўзининг баҳоси етти юз тўқсон-ку!”¹

Меҳмонхонада жой йўқлигини ҳаммага қўполлик билан айтаётган бу хотин раисга “Тошмамат Алимович” деб мурожаат қилади ва 719-хонанинг эгаси келганлигини “Муҳа” деб атаётган Муҳаббат исмли аёлга айтади. Шу тариқа улар меҳмонхонага муаммосиз жойлашишади.

Бу бобда бир қанча бадиий деталлар қўлланилади. Хусусан, раис кўтариб юрган ингичка чемодан, Қўшавойнинг ичига патир, туршаклар солинган беўхшов чемодани ва бошқалар. Раис чемоданларни олиб чиққан меҳмонхона ходимиға ўн сўмлик пулни чойчақа сифатида беради. Бу пул ўз даврида анча қийматли бўлганидан бунинг кўп эканлигини ўша ходимнинг ўзи таъкидлайди. Бу детал ҳам раиснинг “бели оғриб нон емаганидан” далолат беради.

Демак, қиссадаги асосий характерлар талқинида ёзувчи уларнинг индивидуал хусусиятларини алоҳида таъкидламоқчи бўлган. Буни муаллиф қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, нутқи ва турли бадиий тасвир воситалари орқали акс эттирган. Тасвирловчи воситалар жумласига бадиий детал ҳам киради. Чунки бадиий деталлар қаҳрамоннинг ўзига хослигини кўрсатувчи алоҳида унсурлар саналади. Ў.Ҳошимов улардан маҳорат билан фойдаланган.

¹Ўша китоб. 184-б.

2.2. Персонажлар нутқини яратишда ёзувчи маҳорати масаласи

“**Персонаж**(лотинча persona – шахс сўзидан) – персонаж. 1. Бадиий асарда иштирок этувчи шахсларнинг жами. 2. Асарда иштирок этувчи иккинчи даражали шахслар»¹.

Демак, бадиий асарда қатнашаётган барча қаҳрамонлар персонаж ҳисобланишади. Яна бир маъносига кўра эса персонаж асарда у даражада аҳамиятли бўлмаган иккинчи даражали қаҳрамонлар ҳам ҳисобланади. «Икки карра икки – беш» қиссасида бош қаҳрамондан ташқари асарнинг асосий ғояси учун хизмат қилувчи иккинчи даражали қаҳрамонлар ҳам мавжуд. Шунингдек, асарнинг бирор бир ўрнида кўзга ташланадиган, лекин унинг кейинги тақдири билан китобхон қизиқмайдиган образлар ҳам мавжуд. Уларни ҳам персонаж номи билан аташ мумкин. Шундай персонажлардан бири «катта домла» образидир.

Қиссада Шодивой билан Қўшавойни раис “катта домла”нинг олдига олиб боради. Қўшавой тилидан унинг портрети юмор асосида тасвирланади:

“Катта домла” деганда тилла кўзойнак тақадиган, тилла ҳасса тутиб юрадиган, сочлари оқариб кетган одам хаёлимга келган эди. Йўқ, телевизорда кўрсатадиган гимнастикачиларникига ўхшаган спорт кийими кийиб олган киши дарвоза пештоқида ёниб турган

¹Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т., Ўқитувчи. 1979. 231-б.

лампочка нурида жилмайиб турарди. Чамамда “катта домла”нинг юзидан ҳам нур ёғилиб кетгандек бўлди”¹.

Асарда домланинг портрети давом эттирилиб, унинг юзидаги нуқсонни тасвирлашда халқона сўзлашув услубидаги жумлалардан фойдаланилади:

“... Шундагина унинг жудаям ёш эмаслигини, сочига оқ оралаганини, кулганда юзи беш йил бурун қазо қилган момоннинг маҳсисидек тиришиб кетишини пайқадим. – Кадрлар ўқисин, дебсиз-да? Э, маладес! Маладес!”²

Қўшовой агар яхшироқ ўқишга кирса, унга бирор бир домла қизини беришини, берганда ҳам ё икки хонали уйи билан, ёки беш хонали уйи билан қўшиб беришини хаёл қилади. “Катта домла”никига келганида ҳам унинг нозик ва гўзал қизини кўрганида ўша хаёли эсига келади:

“Мундай қарасам, юзи сутдек тиниқ, қоп-қора сочлари елкасига ёйилган қиз кумуш патнисча кўтариб келяпти. Ичимдан узундан-узоқ хўрсиниқ тошиб келди. Вой-бў! Шунақаям чиройли қиз бўларкан-да жаҳонда! Ўзиям чунонам нозикки, сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринади-я!”³

Бу парчада халқ оғзаки ижодида, хусусан, эртакларда қўлланиладиган “”сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринадиган” париларга ўхшатилаётган бу қиз кўринишидан қишлоқнинг саккизинчи синфида ўқийдиган қизлар каби бўлса ҳам,

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 198-б.

²Ўша китоб. 198-б.

³Ўша китоб. 199-б.

аслида институтнинг тўртинчи курсида ўқиши ҳақида айтилиши орқали муаллиф ўша пайтдаги шаҳар ҳаёти ва қишлоқдаги оғир шароитни солиштирмоқчи бўлади. Қишлоқ қизлари оғир меҳнат ва қийин яшаш шароити туфайли ўзларига қараб юришга, пардоз-андозга ҳам имкониятлари бўлмаслиги ҳақида эслатиб ўтмоқчи бўлади. Демак, биргина портрет тасвири орқали ёзувчи ўша даврнинг яна бир ижтимоий муаммосини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Қиссанинг кейинги воқеалар ривожига улар она тилидан имтиҳонга киришади. Домланинг Шодивойнинг дафтарига қўйган белгисини Қўшавой ҳам қўйиб қўяди. Натижада Қўшавой “беш”, Шодивой эса “икки” олади. Бу домланинг ҳар иккаласининг фамилиясини адаштириб юборганлигидан бўлади. шу билан бу “арзимаган хато” тузатилиб, раиснинг ўғли ўқишга киради.

Ўн биринчи бобда Қўшавойнинг зўраки меҳнат қаҳрамонига айлантирилиш воқеалари ёритилади. Бу ҳам ўз даврининг энг катта ижтимоий муамоларидан эди. Унга кўра кимлардир зўрма-зўракилик ёки қўшиб ёзиш туфайли сохта рекордлар ўрнатиб, қаҳрамонга айланаверади. Улар ҳақида матбуот бонг урaveraди.

Қўшавой ҳам раиснинг ўғлига берган ваъдасига кўра шундай қаҳрамонга айланади. Бунгача тўрт йил муддат ўтади. Бир куни у радиодан келган мухбирларга интервью бераётганида “агротехника” сўзини машинистканинг хатоси билан “арпатехника” деб ўқийди. Кейин эса мухбирнинг олинган даромад ҳақидаги

саволига келганда Қўшавой соддалик қилиб тўғрисида айтиб юборади:

“Яқинда синглимни узатаман деб, дадамнинг бели чиқиб кетди. Шаҳар жойда қанақа, билмайману, бизнинг удумимизда қиз узатган ота-она ақалли тўққизтагина кўрпа қилиши керак. Дадам шўрлик тўққизта кўрпага чит излаб, Тошкентгача бориб келса, денг. Ҳайронман, мухбир ака, пахта планини қанча ошириб бажарсак, чит, сатин, сочиқ деган матахлар шунча камайиб кетяпти”¹.

Бу ҳам пахта етиштириб, ўзлари пахта маҳсулотларига зор бўлган ўзбек халқининг ўзига хос муаммоларида бор дейиш мумкин.

Ў.Ҳошимов қиссада фақат жиддий муаммолар акс эттириб китобхонни зериктириб қўймайди. Балки яна юмор билан унинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилади. Хусусан, Қўшоқвой характеридаги соддаликни кўрсатиш учун муаллиф уни мухбирга интервью бераётиб, йигитларнинг камчиликлари ҳақида ҳам гапириб кетади:

“Чори ўзи яхши йигит-ку, битта айби бор, - дедим салмоқлаб. – Нос чекади, қисталоқ. Тушликни ҳаммадан олдин паққос уриб олиб, дарров нос отади. Нос чекиши майли-ку, тупласа, одамнинг юзига сачратгани чатоқ”².

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 217-б.

²Ўша китоб. 218-б.

Қўшавойнинг интервьюси радиодан эшиттирилганда, онаси уни роса алқайди, лекин дадаси унга пуфак олиб келиб бериб, шуни пуфлашини буюради. Лекин эшиттириш тугагунча пуфак ёрилади. Отаси ўғлига унинг ҳозирги ахволи худди шунақа эканини уқтирмакчи бўлади. Ёзувчи бу ўринда пуфак деталидан фойдаланиб, қаҳрамоннинг ўша пайтдаги ҳолатини очиб бермакчи бўлади.

Қиссада Қўшоқвойнинг севги тарихи ҳам келтирилган. Бош қаҳрамоннинг айна севги ёшидаги даври асарда ҳикоячи қаҳрамон тилидан қуйидагича таърифланган:

“Ўзимиз ҳам айна қони гупуллаган бўз йигит эмасмизми, шундоқ кўкрагимга икки литрли қумғонни қўйинг: ўн беш минутда шарақлаб қайнаб кетмаса, мен кафил! Оҳ тортсам, нафасим олов бўлиб чиқади. Тушлик пайтида ҳамма овқат еса, мен шийпон тагидаги ҳовуз бўйида, тарвақайлаб ўсган тол тагида кўксимни захга бериб ётаман. Бир ҳафта ўтмай, мен ётган жой қуриб-қақшаб, ўтлариям сарғайиб кетди. Назаримда, тол қуриб, ҳовуздаги сув булғана-булғана бир қулоч пасайиб қолди-ёв! Бригададаги йигитлар ҳайрон. “Сенга нима бўлди, Қўшо, рангинг сомон бўп кетибди-ку, касал-пасалмисан”, дейишади”¹.

Бу парчада ёзувчи муболаға санъатидан фойдаланиб, қаҳрамоннинг портретини ва ўша пайтдаги ҳолатини тасвирлаган. Бу “оҳ тортса нафасидан олов чиқиши”, “икки литрли қумғон

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 230-б.

кўкрагининг устига қўйилганида ўн беш минутда шарақлаб қайнаб кетиши”, у ётган “жойнинг қуриб-қақшаб кетиши” каби таърифлар шулар жумласидан.

Қиссада қаҳрамон бир кўришда яхши кўриб қолган қизнинг портрети ҳам ҳажвий йўсинда берилган:

“... Ё алҳазар! Одам боласиям шунақа чиройли бўладими? Йўқ, бу одам эмас, онам болалигимда айтиб берадиган эртактаги парининг нақ ўзгинаси! Сочини чиройли турмаклаб, бир четига миттигина жийда шохчасини қистириб олган. Эгнида ним пушти кўйлак. Деразадан тушиб турган нурда қомати аниқ-тиник кўриниб турибди. Юзлари... юзлари жудаям оппоқ эмас-ку, тандирда сингиб пишган кулчадек қизғиштоб. “Пари”нинг камондек қайрилма қошининг қоқ ўртасида жажжигина ҳоли бор. Худди индийский кинодаги артистларга ўхшайди. Ўзим ҳам мабодо кинога кириб қолмадимми, деб у ёқ-бу ёққа аланглаб қўйдим”¹.

Асарда Қўшоқвойнинг ўзининг ҳам портрет тасвири берилган. Унда ҳам ёзувчи юмордан фойдаланган:

“... Эрталаб далага бориш ўрнига қиртишлаб соқолимни олдим. Шипр атридан юзимга мўлгина сепдим. Оппоқ кўйлак, янги шим, оёғимга лакированний туфли кийиб, мундоқ ойнага қарасам... Ҳа, энди бир йигит бўлса, бизчалик бўлар-да! Қарчиғайнинг қанотидек қалин қошлар, хиёл қорароқ, хиёл озғинроқ бўлсаям нормальный юз, хиёл қийшиқроқ бўлсаям ушласа ушлагудек қирра бурун. Бош ёрилганда қолган чандиқ соч тагида кўринмайди.

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 231-б.

“Пари” дўппимни ечиб, сочимнинг орасини титкилаб ўтирармиди. Газеталарда бир эмас, саккиз марта мақталган, радиода гапирган машъал бригад бўлсак! Энг муҳими, худо берган бўй бор: биру тўқсон!”¹

Бу тасвирда асосан, қаҳрамоннинг нутқида муаллиф бадиий тасвир воситаларидан ва айрим лексик ресурслардан фойдаланган.

Хусусан, “лакированный”, “бригад”, “нормальный” сўзлари шулардан айримлари бўлиб, улар қаҳрамоннинг нутқидаги ҳажвий мазмунни кучайтиришга ёрдамлашган.

Асарда бош қаҳрамоннинг севиб қолгандан кейинги руҳияти тасвирлари ҳам ҳажв йўли билан тасвирланган. Унинг ўша пари – Наргисга раиснинг ёрдамида унаштирилиши қаҳрамоннинг раисга бўлган муносабатин тубдан ўзгартириб юборади. Кейинчалик у раис ва унинг ҳамтовоқлари томонидан “иғвогар” деб номланган, аслида ҳақиқатпарвар бўлган Эргашев номли қаҳрамон билан тўқнашади. У Қўшоқвойнинг олдида айрим нарсаларни сўрагани келади. Ҳақиқатни юзига айтгани учун ундан калтак еб кетади. Қўшавойнинг шу одамга иғво қилиб ёзилган “Қора кўланка” номли мақоланинг Наргис томонидан колхоз мажлисида ўқиб эшитирилганидан сўнг бўлган учрашувидаги ҳолат ўзига хос. У Наргисга базўр яқинлашиб, ундан “Розимисиз?” деган саволига:

- “Сиз... деди овози титраб. – Сиз яхши одамсиз!

Шундай деди-ю, иягимдан чўлп этиб ўпди-да, саҳна томонга чопқиллаб кетди. Ўнг юзим ёниб кетгандек бўлди. Иягимни силаб

¹Ўша китоб. 232-б.

кўрсам... Ғирт аҳмоқман-да ўзим! Кўрмайсизми, бугун соқолимни олмаган эканман! Наргисхон ўпган жой ловуллаган кўйи анграйиб қолавердим. Шу иш ростдан ҳам ўнгимда бўлдим? Наргис ростдан ҳам мени ўпдим?''¹

Бу тасвирда Қўшавой ва Наргиснинг характеридаги ўзига хосликни кўриш мумкин. Йигитнинг ўта содда эканлиги қизнинг ҳаракатлари орқали таъкидланиб ўтилмоқда. Чунки қиз унга нисбатан енгилроқ бўлганидан, йигитнинг содда ва тез алданувчанлигига урғу бериб, уни ўзига янада мафтун этиш учун бу ҳаракатни бажаради, йигит эса буни қизнинг унга кўнгли борлиги, деб тушунади.

Қиссанинг ўн олтинчи бобида ёзувчи киноя усулидан фойдаланиб, кейинги даврда шаклланиб бораётган сунъий урф-одатларни қораламоқчи бўлади. Хусусан, келинга қилинадиган сарполар таърифи шулар жумласидан:

“... Бор-йўғи “тўққиз” қилинади. Яъни тўққизта рўмол (орасида пуховой рўмол ҳам, японский сим рўмол ҳам бўлиши шарт), тўққизта сирға (ёқут кўзли, фируза кўзли... Бриллиант кўзлисиям тешиб чиқмайди). Тўққизта кўйлак (атлас, шоҳи, парча, замонавийроғи бўлсин десангиз – шифон, лайло, купон), тўққиз жуфт туфли (баланд пошна, паст пошна, уйда киядиган, кўчада киядиган, ҳовли супурганда киядиган, кир ювганда киядиган,

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 254-б.

кўчада киядиган), тўққизта пайпоқ, тўққизта узук, тўққизта... Яна нимаиди. Хуллас, у ёғи ҳимматингизга боғлиқ”¹.

Бу парчада саналган барча нарсалар ўз даврининг қимматбаҳо буюмлари бўлганидан бу ҳаражатларга аслида куёв томоннинг бир умр йиғиб юргани ҳам етмаслиги маълум бўлади. Шунинг учун куёв томон қарз олиб тўй қилади ва тўйдан кейин оғир иқтисодий етишмовчилик юзага келиб, шу даврдаги кўплаб ёш оилалар ажрашиб кетишларига сабаб бўлган. Демак, асарда таърифланган “тўққиз” масаласи ҳам, нафақат ўз даврининг, балки ҳозирги давр учун ҳам мавжуд муаммолигича қолмоқда.

Ушбу бобнинг номи “Қаллиқ ўйин” бўлганидан асарда бу ҳақида ҳам сўз боради. Ҳикоячи қаҳрамон буни ҳечам эскилик сарқити эмаслигини айтиш орқали ҳажв йўли билан бу одатнинг ёмон томонларини киноядан фойдаланиб баён қилади. Хусусан, бу одатга кўра кечаси девор ошиб уйга кирган қаллиқни онаси ва бўлажак келин кутиб олишлари, уларнинг ҳар икккаласига ҳам совға-салом бериш зарурлиги, лекин зинҳор ота билмаслиги кераклиги, билган ота эса индамай тескари қараб нариги хонага кириб, ўша хонани ичидан қулфлаб олиб, тонг отганда куёв қизнинг хонасини тарк этганидагина ота ўша хонадан чиқиши, бир-икки йўталиб қўйиб, яна ишга жўнаб кетиши таърифланади. Бундан ислом ақидаларига зид бўлган, никоҳ ўқилмаган унашганларнинг бундай хатти-ҳаракатини зимдан қоралаш англашилади. Отанинг бунга лоқайдлик қилиши, индамай уйга

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 257-б.

кириб ўзи яшириниб ўтириши эса қаҳрамон нутқи мисолида берилган ҳажв шакли дейиш мумкин.

Қиссада Қўшавойнинг қаллиқа бориши ўзининг нутқи орқали таърифланади:

“Бугун биз қаллиққа кетяпмиз! Бошда яп-янги дўппи. Эгнимизда оппоқ нейлон кўйлак, жинси шим. Илгари ҳеч бунақа шим киймаганим учунми, оёғим тахтакачлангандек қотиб турибди. Чўнтакда “Кармен” деган атир (қайнонамизга совға), қўйинда бир жўра “жухуд” атлас – Наргисхонга падарка!”¹

Ундан кейинги воқеалар унинг дарахтга, деворга тирмашиб, дарахтдан ерга тушганию, у ерда бир ит уни қопиб этининг бир парчасини узиб олгани, у ердан кетаётиб эса раис билан бирга келаётган Наргисни учратгани кабилар ҳам ҳажв йўли билан таърифланган. Ўн еттинчи бобда Шодивой образига тааллуқли қисқа бўлса ҳам портрет тасвир берилади:

“Қуёндек биққигина, юмшоққина ўртоғим чунонам ўзгариб кетибдики, одамнинг ақли шашади. Қоматини қаранг, қоматни! Қилич дейсиз! Одамга шунақанги синчиклаб тикиладики, кўзи рентгенга ўхшаб, у ёғингдан кириб буёғингдан чиқиб кетгудек. Иккиланиброқ турган эдим, югуриб келиб, бир кучоқлади, бир кучоқлади. Қовурғаларим қирсиллаб кетди. Нукул ўпади, хумпар!

- Қўйвор, ялаб ташладинг-ку, одамни, келинниям ҳақи бор бизда! – деб аранг қутулдим”²

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 257-б.

²Ўша китоб. 261-б.

Бу тасвирда қаҳрамонларнинг психологик ҳолати ҳам акс эттирилган. Яъни, Шодивой қатъиятли, мулоҳазакор йигит бўлиб шаклланганлиги, лекин барибир болалигидаги дўстини чин дилдан яхши кўриши, Қўшавой эса унинг бундай салобатидан ўзини унга муносиб деб билмаётганлигини тушуниш мумкин. Бундай ҳолатни ёзувчи портрет тасвири ва қаҳрамон нутқи орқали маҳорат билан ифодалай олган.

Асарда ўша пайтдаги “раис чақирди” деган маросим ҳақида ҳам сўз боради. У маслаҳат ошигу ўхшаш, колхознинг амалдорлари йиғиладиган йиғин эканлиги унда тўй куни “юқори табақа вакиллари”га ким хизмат қилиши, тўйнинг улар учун қилинадиган сарф-ҳаражатлари ҳақида сўз боради.

Қиссанинг тўй акс этган қисмида куёв тўй столида уларнинг қаторида “улуғлар” – раис, райком, обком вакили, завод директори кабилар, ундан кейинда иккинчи даражали меҳмонлар – бўлим бошлиқлари, “буғалтир”, бош агрономлар.

“Этак томонда бригадамдаги жўраларим – Чори, Панжи, Жуман, Турсунбой ака, мактаб маълимлари ўтиришибди. Уларга “Чашма”, пиво, қўлетар қилиб помидор, шўр бодринглар қўйилган. “Раис чақирди”да шунга келишилган. Пиво дегани шўр бодринг билан йиғлаб кўришади-да!”¹

Кўринадикки, тўйда келган меҳмонлар мансабига, ижтимоий ҳаётдаги мавқеесига қараб жойлаштирилган ва уларнинг олдига қўйилган ноз-неъматлар ҳам шунга кўра қўйилган.

¹Ўткир Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 266-б.

Тўй мажлисини олиб бораётган Жавли ака кимга навбатни берса, улар “машъал” колхознинг ютуқлари ва бунга сабабчи бўлган “катталар”ни мақтаб уларнинг соғлиғи учун қадах кўтаришади. Навбат куёвнинг дўсти Шодивойга берилганда унинг “старший терговчи” бўлиб шу туманга келганилиги маълум бўлади. Шодивойнинг маст бўлиб қолиб, бу тўйнинг мажлисга ўхшаб кетиши ҳақидаги гапларидан унинг ўз даври, ўз яшаётган муҳитидаги адолатсизликлардан норози эканлиги кўринади.

Шундан кейин раққоса қиз – Кокилахон ўртага чиқиб рақсга тушади. Унга ким ўзарга пул қистириш бошланади. Биринчи бўлиб куёв ўша даврдаги уч сўмликдан бир пачкасини раққосага қистиради. Кейин “Ферма тоға” беш сўмликдан бир пачка, Шайдул кассир бир даста ўн сўмликни, Жавли ака эса бир даста йигирма беш сўмликни раққосага қистириб юборишади. Бундай тасвир ўша пайтдаги босар-тусарини билмай қолган, халқнинг ҳақини кўрқмай еб ўрганган кишиларнинг пулни беҳудага сочиши, ўзларини кўз-кўз қилиши сифатида акс эттирилган. Бу орқали уларнинг маънавиятдан йироқ, манфур кимсалар эканлиги ҳам ифодаланган.

Бундан кейинги воқеалар ҳажв йўли билан эмас, ҳикоячи қаҳрамон тилидан жиддий шаклда баён қилинган. Унда Қўшоқвойнинг изтироблари акс этган. Чунки унинг хотини – Наргис тўрт ойда туғруқхонага борадиган бўлиб қолади. Бола раисдан бўлганидан йигит у тўй куни совға қилган мотоциклни шу пайтгача минмай юрган бўлса ҳам, ўша куни бировга машина сўраб боришга уялиб, миниб, келинни туғруқхонага олиб боради. Қайтишда эса

раиснинг уйига бориб, мотоцикл билан унинг машинасини пачаклайди, унга аччиқ сўзлар айтиб кетади. Лекин раис уни тинч қўймайди. Далага боиб, Қўшоқвой ишлаётган жойга яқин жойда боғлиқ турган йигитнинг ўн беш йиллик қадрдони бўлган эшагини отиб ўлдиради. Йигит сабабини сўраганида раис унинг бир гектар пахта майдонини пайҳон қилганликда айблайди. Ҳали машинасининг зарари ва ҳақорат қилганлиги учун ҳам жавоб беришини айтиб, машинасига миниб, индамай кетади. Қўшоқвой бўлса қадрдон эшагини йиғлаб туриб кўмади.

Шу тарзда воқеалар оқими асар ечимига яқинлашади. Яъни, комиссия келиши, райкомнинг Қўшоқвойдан яхши даладаги ҳосилни териб комиссиянинг кўзига яхши кўринишга даъват қилиши, у эса ҳамма ёқни пайҳон қилиши ва раис билан ёқалашиб уни калтаклаши, ҳамма “катта”ларнинг айбини комиссиянинг олдида юзига айтиши ва қамоққа тушиши билан давом эттирилган.

Қамоқда эса ўзининг дўлти Шодивой старший терговчи бўлгани учун дўстини ноҳақ қаматмасликка сўз беради.

Қиссанинг ўн тўққизинчи бобида Қўшоқвойнинг уч ой қамоқда ётгани, кейинги тўрт ойида эса жиннихонада ўтиргани, сўнг эса касалхонага тушгани ҳақида сўз боради. Касалхона жиннихонадан уйига қайтганида отаси ўлганига қирқ кун бўлганини эшитганида юзининг бир қисми оқиб тушгандек, ўзи гўлдираб гапиролмай қолганида олиб келишган бўлади.

Асарда раис ва бошқаларга жиноий иш қўзғатилганлиги, ҳар биринг уйидан яшириб қўйган бойликлари топилганлиги, уларнинг

ишини Шодивой олиб бормасликни илтимос қилгани, лекин отаси у орқали адлия ходимларига ҳам пора бермоқчи бўлганини айтаётганида Шодивойнинг ҳам юраги ёмон бўлиб қолгани акс эттирилган. Асар ҳажвий – сатирик қисса бўлишига қарамай охири фожеа билан якунланган. Чунки бу асарда тоталитар тузумнинг ўзбек халқи бошига солган фожеалари ҳажв ёрдамида, киноя усулидан фойдаланган ҳолда акс эттирилган.

Хуллас, қиссадаги кўплаб персонажларнинг ҳам маҳорат билан яратилганлиги, кўриш мумкин. Уларнинг индивидуал белгилари қиссада портрет, бадиий детал ва персонаж нутқи орқали ифодаганган.

Ўткир Ҳошимовнинг “Икки карра икки – беш ” қиссасида образлилик ва ёзувчи маҳорати масаласи таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Қиссанинг бош қаҳрамони Қўшоқвой исмли йигит бўлиб, у орқали ўзига хос миллий характер яратилган. Асарнинг ҳикоячи қаҳрамони ҳам ушбу образ бўлиб, бу унинг характер-хусусиятлари ифодасига хизмат қилган.
- Қиссада раис, “ферма тоға”, “Шайдул кассир” каби образлар орқали шу даврнинг ижтимоий муаммолари ҳам атрофлича акс эттирилган.
- Қаҳрамонларнинг характерини кўрсатишда уларнинг нутқидаги бадиий тасвир воситалари ва лексик ресурслардан фойдаланилган.

“Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Ҳатто у алданган одамнинг маънавий инқироzi, фожиаси, ҳалокати тасвирида ҳам шу туйғуни сақлаб қолади. Айниқса, у яхши, олижаноб, маънавий баркамол шахслар қалби, табиати тасвирида ўзини ниҳоятда эркин ҳис қилади. Ёзувчининг ижобий қаҳрамонларининг аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётчан, ўта таъсирчан одамлар. Эҳтимол, Ўткир асарлари қаҳрамонларининг ўзбек китобхонлари кўпчилигини асир қилган омиллардан бири шундадир”¹.

Ҳақиқатан ҳам, ёзувчининг “Икки карра икки – беш” қиссаси қаҳрамони содда, алданган кимса бўлишига қарамай, ўз хатоларини англаб етди. Ушбу қаҳрамон ҳам ҳаёт муаммолари тасвирида ёзувчи маҳорати туфайли аҳамиятли образлардан бўлиб қолган.

Ёзувчи асарда сатира ва юмор имкониятларидан кенг фойдаланиб, ўз даврининг ижтимоий муаммоларини дадиллик билан акс эттирган.

¹У.Норматов. Насрдаги шоир ёхуд руҳият манзаралари. / Ўткир Ҳошимов замондошлари наздида. –Т., Мумтоз сўз. 2011. 116-б.

Хулоса

Ўткир Ҳошимов халқимизнинг севимли адиби. Ёзувчининг «Шумлик» тўпламидаги ҳажвий ҳикоялари унинг устозлари, дўсту биродарлари билан бўлган самимий муносабатини кўрсатувчи манбадир. Адибнинг насрий асарларига хос бўлган жиҳатлардан бири асарларнинг, асосан, ҳикоячи қаҳрамон тилидан баён қилинишидир. «Шумлик» тўпламининг ҳикоячи қаҳрамони бевосита Ўткир Ҳошимовнинг ўзи бўлиб, унинг сўзлариорқали воқеалар баён қилинади. Ушбу усулнинг бошқа ҳажвияларда ҳам қўлланилганлиги бу ҳикояларнинг жонли, равон ва китобхон онгига тез таъсир этиш кучини таъминлаган. Бундай асарлар ёзувчининг сўз қўллаш маҳорати қанчалик юқори еканлигини кўрсатади.

«Санъаткор қай мавзуга қўл урмасин, қай композицион турдан фойдаланмасин, сюжетни қурмасин, ҳикоялашнинг қандай усулини танламасин, пировардида, булар ҳаммаси шу асарда яратилган инсон образини – характерларни жонли ва тўлақонли чизиш ишига хизмат қилади»¹.

Адибнинг «Шумлик» туркуми таркибидаги барча ҳикоялари, «Икки карра икки – беш» қиссаси тадқиқотимизнинг асосий объектлари бўлиб, туркумдаги ҳикоялар соф юмористик мазмунда берилган бўлса, қисса сатирик характерга эга. Асарларда ҳикоячи қаҳрамон нутқи ҳар томонлама мукамал, воқеликка муносабат

¹Умурзоқ Ўлжабоев. Бадиий тасвирнинг ҳаққонийлиги. - Гулистон, Зиё. 2007. 134-б.

есаравшан. Бундайусулижодийниятнингочилишигатўлақонли хизмат қилган. Унда ҳикоялар мазунитаъсирлибўлиши учун зарур бўлган барча жиҳатлар муаллиф тилидан мукаммал ҳолатда ифодаланган.

«Халқ ҳаётида қандай буюм, қандай одат, қандай иш ёки ўйин бўлса, ҳаммасининг ўз номи, ўзига хос хусусияти ва уни характерлайдиган белгиси бўлади. Ёзувчи ана шунинг ҳаммасини ўз ҳаётий тажрибаси орқали билса, фақат одамларнигина эмас, ҳар бир нарсани такрорланмас тасвирга айлантира олади»¹.

Таҳлил қилинган асарларда муаллиф атрофидаги инсонлар ҳаётини яхши билгани сезилади. Қиссада эса ёзувчи ўша даврларнинг жонли гувоҳи бўлгани учун ҳам барча воқелик тасвирларининг ўз ўрнида мукаммал ифодаланишини таъминлай олган. Бундай мукаммалликка яна бир сабаб асарларнинг ҳаётий ва автобиографик характерга эга эканлиги билан ҳам белгиланади.

«Шумлик» туркумини ўқиган китобхон чехрасида табассум пайдо бўлиши, кайфияти кўтарилиши аниқ. «Икки карра икки – беш» қиссасида эса уҳажвий асар бўлишига қарамай инсонлар тақдирини, уларнинг ҳаётдаги қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтишлари жараёнини акс эттиради, ундаги ҳикоячи қаҳрамон есамеҳнаткаш ва саботли инсон сифатида гавдаланади.

«Икки карра икки – беш» қиссаси адабиётшунослар томонидан ҳажвий қисса дейилади. Лекин қиссанинг ниҳояси бош қаҳрамон бўлган Қўшоқвой Салимов тақдиридаги фожеаларни

¹Жамоа. Адабиёт назарияси. 2 томлик, 1-том, Фан, 1978, 330-бет.

кўрсатиб берганлиги учун уни тўлақонли равишда драматик қисса дейиш мумкин.

Ушбу битирув малакавий ишда Ў.Ҳошимовнинг «Шумлик» туркуми таркибидаги ҳажвий ҳикоялари ва «Икки карра икки – беш» ҳажвий қиссасида ёзувчи маҳорати масаласи тадқиқ этилди.

Ишнинг биринчи боби Ў.Ҳошимовнинг “Шумлик” туркумига кирган ҳикояларида ҳаётий асос ва бадиий талқин масаласи” деб номланган бўлиб, ушбу туркумдаги ҳикояларнинг аксари ҳаётда юз берган, муаллифнинг ўзи бевосита қатнашган ҳикоялари бўлганлигидан уларнинг ҳар бири учун ҳаётий асос мавжуд. Яъни, ушбу ҳикояларнинг қатнашчилари ёки қаҳрамонлари Ўткир Ҳошимовнинг замондошлари ва ўзига яқин бўлган ижодкор кишилар. Хусусан, Саид Аҳмад, О.Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, У.Норматов кабилар шулар жумласидан.

Ишнинг иккинчи боби «Ў.Ҳошимовнинг ҳажвий асарларида образлилик масаласи” деб номланиб, ушбу бобда адибнинг «Икки карра икки – беш» ҳажвий қиссасида ёзувчи маҳорати масаласи тадқиқ этилган. Ушбу бобда ёзувчи асар қаҳрамонининг табиатига қараб, унинг нутқ тузилиши, сўз бойлиги ва бошқа хусусиятларини ҳажв ёрдамида акс эттирган. Муаллиф қиссада миллий тилимизнинг сўзлашув услубига хос хусусиятлардан унумли фойдалана билган. Ёзувчи персонажларнинг характер-хусусиятлари очилишида ҳар бир персонажга мос услубини қўллай билган.

Персонаж нутқини индивидуаллаштиришда лексик ресурслардан варваризм, вульгаризм, диалектизмлардан унумли фойдаланилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ушбу битирув малакавий ишидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

- Ҳикояларда ҳажвни юзага келтирувчи воситалар сифатида бадиий детал, бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган.
- Ҳажвиялардаги юморунсурлари кўпроқ қаҳрамонларнинг нутқидаги лексик ресурслар орқали юзага чиққан.
- «Икки карра икки – беш» ҳажвий қиссанинг бош қаҳрамони Қўшоқвой Салимов бўлиб, у орқали ўзига хос миллий характер яратилган. Асар воқеалари шу образ тилидан баён қилинган, бу образларнинг характер-хусусиятлари ифодасида аҳамият касб этган.
- Қиссада раис, “ферма тоға”, “Шайдул кассир” каби образлар орқали шу даврнинг ижтимоий масалаларига эътибор қаратилган.
- Қаҳрамонларнинг характери кўрсатишда уларнинг нутқида бадиий тасвир воситалари ва лексик ресурслардан ўринли фойдаланилган.

Умуман, ёзувчи асарда сатира ва юмordan фойдаланиб, ўз даврининг ижтимоий муаммоларини акс эттирган. Асарларининг муваффақияти таъминланишида ёзувчининг бадиий маҳорати, қаҳрамонлар тавсифи ва нутқининг алоҳида ўз ўрни бор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т., «Маънавият» нашриёти, 2008 й, - 176 б.
2. Асрор Самад. Ўткир қалам. – Т., MERIYUS, 2013. - 364 б.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т., «Ўзбекистон» нашрийти, 2002, -558 б.
4. Белинский В.Т. Мақолалар. Т., Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948, - 310 б.
5. И.Ғофуров. Жозиба. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, - 200 б.
6. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т., Ўқитувчи, 1980, -408 б.
7. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик . –Т., Шарқ. 2007. - 335 б.
8. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1999., - 545 б.
9. Мамажонов С. Услуб жилолари. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, -220 б.
10. Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, -Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1979, -366 б.
11. Н.Шукуров ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. – Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1979, -230 б.
12. Норматов У Етуклик. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, -366 б.
13. Озод Шарафиддинов Биринчи мўжиза. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, -46 б.

14. Озод Шарафиддинов. Сардафтар саҳифалари. – Т., Ёзувчи, 1999. 204-б.
15. А.Расулов. Ардоқли адиб. – Т., Шарқ, 2001.- 128 б.
16. С. Мирзаев. XX аср ўзбек адабиёти, -Т., Янги аср авлоди, 2005. -418 б.
17. Ў.Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. «Баҳор соғинчи». -Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001, - 461 б.
18. Ў.Ҳошимов Ўзбеклар. –Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодиёт уйи, 2007, -256 б.
19. Ў.Ҳошимов. Шумлик. –Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1993, -64 б.
20. Ў.Ҳошимов. Сўққабаш бевагина. – Т., «Шарқ» нашриёти, 2008, -223 б.
21. Ўлжабоев У. “Хотирада чизилган излар”. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1992. - 198 б.
22. У.Ўлжабоев. Бадиий тасвирнинг ҳаққонийлиги.- Гулистон, Зиё. 2007. 152-б.
23. Ўлжабоев У. Замон талби ва ижодкор масъуллиги. - Т., Ўзбекистон, 2012.- 375 б.
24. Ҳ. Умиров. Адабиёт назарияси. –Т., Шарқ, 2002. -256 б.
25. Шермухаммедов П. Истикболни ўйлаб, -Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, -176 б.
26. Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. -Т., «ЎАЖБНТ» нашриёти, 2003, -361 б.

27. [www literature uz.](http://www.literature.uz)
28. [www ziyonet.](http://www.ziyonet)
29. [www. e-adabiyot. uz](http://www.e-adabiyot.uz)

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. Ў.ҲОШИМОВНИНГ “ШУМЛИК” ТУРКУМИГА КИРГАН ҲИКОЯЛАРИДА ҲАЁТИЙ АСОС ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН МАСАЛАСИ.....	7
II БОБ. Ў.ҲОШИМОВНИНГ ҲАЖВИЙ АСАРЛАРИДА ОБРАЗЛИЛИК MASACACI.....	25
ХУЛОСА.....	48
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	52